

Ибрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Исхокхон Жунайдуллахўжа ўгли) (1861, — Наманган вилояти Тўрақўргон тумани — 1937, Андижон) — ўзбек маърифатпарвари, шоир. Кўкондаги Мухаммад Сиддик Тункотар мадрасасида ўқиган (1878—86). 1887—92 йилларда Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул ва Жидда шаҳарларида бўлган. Хиндистоннинг Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшаган (1892—96). Сафардан кайтгач, Тўрақўргонда янги усул мактабини очган (1907), ўз кишлогиди «Матбааи Исхокия» номли литография ташкил қилган (1908). Ибрат янги мактаблар очиш, ўқитувчилар тайёрлаш, аёлларни илм-маърифатли қилиш ишларида фаол қатнашган. Ўз шеърлари («Тарихи чопхона», «Маданият хақида маснавий», «Газета хусусида», «Қалам»)да маҳаллий ва чор амалдорлари қирдиқорларини фoш этган («Илми Ибрат», шеърӣй тўплам, 1909). Ибрат араб, форс, хинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган «Лугат ситта ас-сина» («Олти тилли лугат», Т., 1901) тузган, бу асар ўша давр учун катта аҳамиятга эга бўлган. Ибратнинг ёзувлар тарихига оид «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуи», 1912) асарида лотин, юнон, хитой, хинд, араб, Кирилл ёзувининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихи хақида маълумот берилган, илмий-тарихий асарлари («Тарихи Фаргона», 1916; «Тарихи маданият», 1925; «Мезон уз-замон», 1926) эса Кўкон хонлигининг вужудга келишидан то 20-аср 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олган. Ибрат «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» газеталарига ёзган мақолаларида фан, маърифат ва маданиятни тарғиб этган. 1937 йилда катагон қурбони бўлган. Наманган вилояти Тўрақўргон туманидаги 14-ўрта мактаб ва Тошкентдаги бир кўчага Ибрат номи берилган.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Ўшал булбул қилар афгон, сахар вақти чаман ичра,
Қўнар гул деб тикан узра, сахар вақти чаман ичра.

Қилар бағрини булбул қон, тикан узра берай деб жон,
Бўлур гул завқидин қурбон, сахар вақти чаман ичра.

Ўшал булбул бўлур доғлар, чаманни гашт этиб қорлар»,,
Қизил гулни тилаб йиғлар, сахар вақти чаман ичра.

Чикар булбулни афғони, чаман ичра оқиб қони,
Тасаддиқ гул учун жони, сахар вақти чаман ичра.

Мухаббат бирла маст эрди, ани йўлида жон берди,
Қизил гулдин хабар сўрди, сахар вақти чаман ичра.

Муяссар бўлса ул жонон, ато қилса ўшал субҳон,
Йўлида жон қилай қурбон, сахар вақти чаман ичра.

Ибрати беҳабар бўлма яна гафлат билан ўлма,
Гуноҳи беадад килма, сахар вақти чаман ичра.

* * *

Бўлма амалга мухтор озурда жон ўлурсан,
Бад фикр фитнасин дил ўтла кон ўлурсан.

Гар тўгри сўз килурсан, ул фахм эгри айлар,
Анга тушунтурурга дарди дахон ўлурсан.

Валлот ёки кози кори эрур машаккат,
Ашролар сўзидин дарди нихон ўлурсан.

Гар ушласанг шариат пос ушламок машаккат,
Бир қўл низоми давлат токи омон ўлурсан...

Хасмини бир-бирини алар этса мукайяд,
Иккиси санга рожиъ, кайдин омон ўлурсан.

Адлинг бўлурса акви, изхор айламас ҳеч,
Гар зарра зулм килсанг, халкка аён ўлурсан.

Гар ҳукми жорий килсанг норози ҳар иккиси,
Ман судга арза бергум, анда ямон ўлурсан.

Келгай бириси бирдан, ҳар кимни ўгри айлаб,
Топгунча тарбия сен, сендин гумон ўлурсан.

Бечоралигдин ўзга иш ихтиёр килма,
Ҳар чанд хўб бўлсанг, бир дам замон ўлурсан.

Қўб бўлди адвокатлар ё омидин вакиллар,
Қўфиядин бўлакни билмас, фиғон ўлурсан.

Келгай заифи хайли, санга жадали майли,
Уқини шаст килгай, сан бир камон ўлурсан.

Ҳар касб пеша килгил, бўлмас амал санга кут,
Бекасб ўтсанг Ибрат, мухтожи нон ўлурсан,

* * *

Тириклик захматидин ушбу кунлардан калайсизлар?
Бу кимматлик йили бугдою унлардан калайсизлар?

Хамани кўймади ўз холига, ташвишлар солди,
Мушавваш айлаган бу ахли дунлардан калайсизлар?

Жахон ҳеч кнмга гардуш этмади икболима таври,
Замона холи мол кофу нунлардин калайсизлар?

Босиб халки жахонни айлади торож ўгрилар,
Саломат ётдигизму, бўйла тунлардан калайсизлар?

Фасоду олам этти шу каби хар ерда инсонни,
Бу тарзда фитнаю торож бунлардан калайсизлар?

Ки хар бир кимсада минг хил аломоти киёматлар,
Машаккат вақтини умри ўринлардан калайсизлар?

* * *

Ишкинг дилу жона жо бўлубдур,
Жону дил анга фидо бўлубдур.

Сан айламасанг агар давоси,
Дардим мани бедаво бўлубдур.

Охим тутунила рўзигорим
Ялдо тунидай каро бўлубдур.

Тан боғидин андалиби жоним
Куйингни тилаб жало бўлубдур.

Ишкинг ичра чу мен кими насиби,
Ёри соридин жафо бўлубдур.

Хусн ичра вафо йўк эмиш жонон,
Ки сен каби бевафо бўлубдур.

Васлингга етурга Ибрат асру,
Хажр илкига мубтало бўлубдур.

* * *

Минг уч юзу йигирма олтида чопмахона,
Очмокга бўлди рухсат ва сўз бериб замона.

Максад бу ишдин эрди оламга илм касри, -
Хам кўймокга асарлар ёд овози жахона.

Касбу камол ислом бўлмай тараккиятда,
Холига тушмасун деб этдук буни бахона.

Биздин кейингилар кўп илму хунар топарлар,
Хайфоки анда биз йўк, эътимодхона.

Оламдин ушбу она сонсиз кишилар ўтди,
Мингдин бири кўюбдур оламга бир нишона.

Мен катта бой эмасдим ким айласам бинойи,
Дахлим етишмас эрди рўзгори, чою ноно.

Сад хайфким ганилар сарфини билмадилар,
Еб-ичтилар семуруб сигмай туруб чофона.

Уз асримизда ўтти бир неча агниёлар,
Колдурмайин нишона ер остин этти хона.

Бу санга катта Ибрат хушёр бўлки, кетти,
Эмди санга келурму кетган у ота-она.

КЎРГОНИ КЕЛДИМ СОГИНИБ

Гулдек юзингни дилбарим
Кўргони келдим согиниб.
Сан — шохи олам, ман — гадо,
Кўргони келдим согиниб.

Ишкинга дилбар зор-зор,
Йиглаб юрибман, эй нигор.
Кел эй, букун кўзи хумор,
Кўргони келдим согиниб.

Сиздин бўлак йўктур кишим,
Ўзга билан йўктур ишим.
Мастона кўзлик махвашим,
Кўргони келдим согиниб.

Тан ичра жоним сан эдинг,
Хуш меҳрибоним-сан эдинг,
Ширин забоним сан эдинг,
Кўргони келдим согиниб.

Ман хаста дил хайрон бўлуб,
Ишкинга саргардон бўлуб,
Фарвона янглиг ўргулуб,

Кўргони келдим согиниб.

Дардинг билан дармондаман,
Топкин илож бемораман,
Васлинг билан афтодаман,
Кўргони келдим согиниб.

Эй дилбари нозик бадан,
Хам тишлари дурри Адан,
Ой юзлари богу чаман,
Кўргони келдим согиниб,

Богу бахорим сан мани,
Кўзи хуморим сан мани,
Ширин забоним сан мани,
Кўргони келдим согиниб,

Мандин яширма юзларинг,
Ёдимга тушти сўзларинг,
Куйдирди ёрим кўзларинг,
Кўргони келдим согиниб,

Кўйингда дилбар зор-зор,
Шому сабо, лайлу нахор,
Йўк эмди бизда ихтиёр,
Кўргони келдим согиниб.